

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 22 июнь
сешанба
№ 25 (1281)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- ✔ Энг сўнги хабарлар
- ✔ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✔ Таҳлилий мақолалар
- ✔ Мурожаатга жавоблар



МЕҲНАТГА МАСЪУЛ ИДОРАНИНГ
МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ

5-БЕТ

ФАЛОКАТ ОЁК ОСТИДА,
БУНИ АСЛО УНУТМАНГ!

6-БЕТ

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ, ФУҚАРОЛИГИ
БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ИМКОНИАТЛАР

7-БЕТ



“Уйи сносга тушганлар, ҳарбийлар ва бошқа имтиёзли, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ер эмас, пул берилади. Яъни, имтиёзлар монетизация қилинади, давлат субсидия беради. МЧЖларга ер бериш учун юридик шахс давлат хизматлари марказлари орқали ариза топширади”.

2-3 БЕТ

БУНДАН РОППА-РОСА 80 ЙИЛ АВВАЛ

1941 йил 22 июнь. СОАТ 4:15. ТАРИХГА УЛУФ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНИШИ ДЕБ МУҲРЛАНДИ. БУ УРУШ НИМА ДЕБ АТАЛИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ЁСТИФИНИ ҚУРИТДИ, ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҲАМ.



4-БЕТ

ЭНДИ ЕРЛАР

ЕР ҲАҚИДА:

ТАНҚИД БОРУ ТАКЛИФ ЙЎҚ...

ЕР ҳам тилини тушунгани, қадрини билгани сийлайди. Тупроқ билан тиллашиб, ерга меҳр бериб, насиба топган, оиласининг ҳам, элининг ҳам дастурхонини тўлдирганлар бир парча ернинг қадрини билади.

Яқинда Президентимизнинг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Аҳоли ўртасида, айниқса, ижтимоий тармоқларда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушуниб-тушунмай турли хил салбий муносабатлар билдириш ҳолатларида дуч келаяпмиз. Янгилик хамиша шундай қабул қилинади. Агар ҳаммамиз ҳам бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаётимизда нечоғлик аҳамиятли эканлигини англаганимизда эди, салбий муносабат билдириш ўрнига уни қўллаб-қувватлаган бўлардик.

Афсуски, кўпчилигимизда куруқ гап айтишга устамиз. Аксари-ятимизда бу борада танқидий гап бору, лоқал бирор арзирли таклиф йўқ!

Очгини айтиш керак, кўпчилик амалдорлар, фермерлар ҳам “ер сотиш”ни бизнесга айлантириб олишганди. Энди бундай бўлмайди! Яширин ер савдосига чек қўйилади. Бу эса, порахўрликнинг кўзи илғамас, аммо жуда бакуват томирларини қиради. Ҳалоллик бўлган жойда эса, барака бўлади, албатта.

Ерни унинг тилини тушунган ҳам, тушунмаган ҳам олган йиллар бўлди. Айниқса, қишлоқ жойларда бу аёқол сезилиб қолди. Пулдор одамлар ҳар қанча суғли, серхосил ерларни қўлга киритган бўлмасин, томирида дехконнинг қони омаганидан кейин вақти келиб уни ташлаб кетишга ўзи мажбур бўлди. Аграр соҳа қанча сердаромад бўлмасин, об-ҳавонинг инжиқлиги ҳам ўзига яраша эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда”, деб бекорга айтмайди уста дехконлар. Ернинг қай маҳал ҳайдаланишдан тортиб унга фақат қимёвий эмас, табиий ўғит беришгача, энг муҳими, уни бегона ўтлардан тозалаш йўллари, қачон чопиқ қилишни-ю, қачон ерга сув беришни, ерга дам бериш учун экинни алмашлаб экинни ҳамма ҳам дехконнинг ўзиндек тушунавермайди.

Бемехр, фақат бир йил экин экиб, фойда қўришни кўзлаган-

ларнинг касрига ажрик, ғумай, чирмовиқ ўт, шўра каби бегона ўтлар босиб, шўрлаб кетди қатта-қатта экин ерларимиз. Авваллари пахта экишдан аввал ишчилар эрта баҳорда этак-этаклаб ажрик, ғумай каби кўп йиллик бегона ўтларнинг томирини териб, ерни тозалар эди. Кўп ҳудудларда бу одат бутунлай йўқолиб кетди. Бир мавсумга ерни сотиб олганлар ернинг тақдирини, тарихини, бегона ўт босиш-босмаслигини ўйлармиди?! Айниқса, оппоқ шўр қоплаб кетган ерларни кўриб, ачинасан киши. Бир маҳаллар бу жойлар қандай унумдор бўлган. Зовур қазитиб, ернинг шўрини тозалаш ўрнига унумдор ердан озроқ бўлсам сотиб, қолган жойга ҳаминқадар муносабатда бўлганлар адашганини билди-ю, соҳадан кетди. Лекин уларнинг касрига қанча экин майдонлари яроқсиз бўлиб қолди. Ер ҳар қанча унумдор бўлмасин, унга тўғри муносабат қилинмаса, охир оқибат яроқсиз буюмга айланади. Ернинг қарови тўғри бўлмаса, қутилган ҳосилни олиб бўлмайди.

Қишлоқ ҳудудларида яшайдиганлар яхши билади. Ҳар биримиз рўзгорга ишлатадиганимиз — пиёз ҳам ернинг кучини оладиган экин. Ерни фермердан бир йилга баҳолаб олганлар ҳам анойи эмас, янаги йил пиёз экиш учун шу ерни олмайди, бошқа ерни қидиради. Агар алмашлаб экилмаса, ердан унумли ҳосил олинамаслигини улар яхши билмайдилар. Унумдор ерларимиз шу тариха қўлма-қўл бўлиб кетди. Фермерлар фермер ҳўжалиги ерларининг бир қисмини яширин йўл билан пуллаб, техника сарф-харажатлари, ёлланма ишчи кучининг иш ҳақи учун сарфлай бошлашди. Бу ҳаракат авж олиб, яшириб бўлмайдиган даражагача етди. Прокуратура органларининг текшируви, аралашуви билангина ноқонуний сотилган ерлардан фойдаланаётганлар аниқлана бошланди. Лекин бу билан мамлакатда ерни ноқонуний сотиш, яъни ерни “қора бозор” нарҳида пуллашга, қимларингдир чўнатишни қапайтираётган яширин бизнесга чек қўйиб бўлмади. Ҳа, шундай бўлди. Ушбу Фармон ер билан боғлиқ кўплаб “ўйин”ларга чек қўяди.

ҚИҒИРЛИКНИНГ ТОМИРИ КЕСИЛАДИ

Мазкур Фармон айнан шундай қиғирликларнинг томирини кесиб, ер қонунчилигини йўлга солиш мақсадини кўзлаган. Фармонда белгиланганидек, 2021 йил 1 августдан бошлаб қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланганидан очик электрон танлов яқунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади.

Бу тартиб нимани ўзгартиради? Бир сўз билан айтганда, бу тартиб энди ерни ўзбошимчилик билан сотишга йўл бермайди! Ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилади. Яъни, ерни ижара ҳуқуқи асосида олган фуқаро тўла қонун ҳимоясида бўлади. Янада соддароқ қилиб айтганда, у эккан экинзори ҳеч қим бузиб ташлолмайди. Авваллари фермердан ноқонуний йўл билан ер сотиб олганлар ҳам пулига, ҳам меҳнатига, кетган вақтига қўйиб қолган бўлса, энди ерни ижарага олса, хотиржам, кўнгли тўқ бўлиб, қонуний иш юрита олади.

Фармонда таъкидланганидек, барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади, айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

“Тупроқ олсанг, олтин бўлсин” деб дуо қилардилар қатта отамиз раҳматли. Урушдан кейин бир умр миробилик қилиб, бутун бир қишлоққа сувни тўғри тақсимлаб келган одам ерга тўғри муомала қилсанг, табиатнинг равшан бўлади, дердилар. Ўша пайтларда ёшлик йиллари фронтда, бутун умри далада ўтган, олийгоҳ кўрмаган мироб отамиз бундай қитобий гапларни топиб гапиршишга ҳайрон бўлардим. Айниқса, “табиатнинг равшан бўлади...” дейишлари қўлгоймада қолган. Қишлоқда ерни яхши кўрмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ҳамма ҳам томирқасига экин экади, бог-роғ ки-

“Уйи сносга тушганлар, ҳарбийлар ва бошқа имтиёзли, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ер эмас, пул берилади. Яъни, имтиёзлар монетизация қилинади, давлат субсидия беради. МЧЖларга ер бериш учун юридик шахс давлат хизматлари марказлари орқали ариза топширади”.



Гулбахор ОРТИҚҲЎЖАЕВА “Инсон ва қонун” муҳбири



лади. Экинзор ҳам, бог ҳам гуллаб-яшнаши учун сув керак, сувсиз ҳеч нима қилиб бўлмайди.

Одатий иш қунларидан бирида қўлимга бир суд ҳукми келиб қолди. Мақола қилишим керак... Ўқиб, юрагим титради, қўлим қалтиради ёзишга. Иккита одам ариқ бошида сув талашган, бири иккинчисини кетмон билан чопмоқчи бўлган, иккинчиси эса қўлидаги ўроқ билан... Бу гапларни нега ёзаяман. Бизда ана шундайлар, ерга экин экса, халовати йўқоладиганлар кўп. Бундайлар кеча ҳам бўлган, бутун ҳам бор, эртага ҳам бўлади. Масаланинг бир томони фожиали бўлса, иккинчи томони бор — ўша сув талашган иккита сувчи ҳам ери, экинзори сувсизлигидан жони оғриб, юраги қуйган.

Очик аукцион дегани ҳам ернинг ижарачисини саралайди. Аукционда қатнашиб, ерни ижарага олганлар уни қаровсиз қўймаслиги аниқ! Сабаби, оддий — бир йил экин экиб, янаги йил уни ташлаб қочиб қололмайди! Жон қуйдириб, ўйлаб ишлаганга, ердан унумли фойдаланишига тўғри келади.

Фармонда кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши ҳам белгиланди. Демак, эндиликда шаҳар ҳудудлари-

да ҳам қаровсиз ернинг ўзи қолмайди.

Демак, соддароқ қилиб айтганда, энди қаерда қанча бўш турган ерлар борлигини уларнинг аукционга қўйилишидан билиб олсак бўлади. Матълумотлар очикланади, бўш турган ерларни унинг бир нечта харидоридан бири, энг муносиби ҳалол рақобат билан қўлга киритишига имкон туғилади.

“Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб”, дейдилар. Агар дехконларнинг ўзидан фикр сўрасак, уларнинг кўпчилиги бу Фармондан яхши натижа кутаяпти. Сабаби, ер ҳалол савдога қўйилса, уни олишда коррупцион муносабат аралашмаса, қандай яхши! Бирок ерни аукцион орқали олишининг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари бор, албатта. Ердан унумли фойдаланишни ўйлаган киши борки, бу тартиб-қоидалар билан яқиндан танишиб чиқиши керак. Демак, бу борадаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада қучайтиришимиз зарур.

Фармонда кўп квартирали уй жойлашган ҳудуддаги унга туташ ер участкаларини, яъни фойдаланилмаётган ерларни ҳам ўз эгаларига топшириш масаласи айтиб ўтилган. Муҳими, энди қишлоқда, шаҳарда, ерни унинг қадрини билган одам олади. Қувонарлиси эса, энди ерлар қаровсиз қолмайди!

БУНДАН РОППА-РОСА 80 ЙИЛ АВВАЛ

1941 йил 22 июнь. СОАТ 4:15. ТАРИХГА УЛУФ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНИШИ ДЕБ МУХРЛАНДИ.
БУ УРУШ НИМА ДЕБ АТАЛИШИДАН ҚАТЪЙ НАЗАР МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ЁСТИФИНИ КУРУТДИ,
ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҲАМ.

Холида ШОМАҲМУДОВА:

БОМБАРДИМОНДА ОТА-ОНАМДАН АЖРАЛГАНМАН

УРУШ ҳақида, халқимизнинг жасорати ва матонати ҳусусида гап кетганда ҳеч шубҳасиз, тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмушов ва унинг рафикаси Баҳри ая Акрамованинг олийжаноблиги биринчи галда эътироф этилади.



Мақкур оиланинг тўнғич қизи Холида Шоаҳмушов (миллати молдавдан бўлган бу қизнинг асли исми Ольга Тимонина) ҳозир ҳаёт. Яъни, у Шоаҳмушовлар оиласининг тирик тарихи. Холида хола бундан роппа-роса 80 йил муқаддам бошланган фашистлар босқинини шундай хотирлайди:

— Уруш бошланганида мен 4 яшар кизча эдим. Бомбардимонда ота-онамдан ажралдим. Шундан кейин аскарлар билан окопда бир ҳафта яшаганман. Улар мени қаҳва ва нон билан сийлашгани эсимда. Ҳамма ёқда уруш, ёнғин, ваҳима, ўк товушлари эшитилиб турарди. Кейин бир гуруҳ етим қолган болаларга қўшиб, мени кемага чиқариб юборишди. Сўнг поездга, машинага ўтказиб, Ўзбекистонга — Тошкентдаги 41-болалар уйига олиб келишди.

Болалар уйига келганимизда бизни дастлаб бир тоғора олма, бир тоғора кулпунай билан меҳмон қилишди. Хоналар иссиқ, оёғимиз тагига чиройли гиламлар тўшлаганини айтмайсизми?

Шундан сўнг ўзбек оналари бирин-кетин болаларни олиб кета бошлашди. Охирида бир каттарок бола билан мен қолдик. Қачон бизни ҳам олиб кетишар экан, деб кутдик. Ана шу кезде ота-онамни соғиниб кўп йнглардим. Айни пайтда саксон тўрт ёшга кирган бўлсам-да, ота-онам эсимга тушса, ёш боладай ўзимни йнгидан тўхта олайман.

Бир маҳал Баҳри онам келиб қолди. Қўлида ёш бола бор эди. У рўмолини ечиб, менинг бошимга ўради. Кейин қўлимдан ушлаб олиб кетди. Уйларига келганимизда қўлимга битта конфет ва кичкина пилепада оқ чой (ширчой) берди. Шунда Баҳри онам “Мана бу — далаң, мен — ойинг, булар — ака-укаларинг”, деб ҳамма миенга таништирди. Биз 13 та ака-опа-ука-синигил эдик. Ойим билан адам урушдан кейин яна 3 та болани ўз тарбияларига олишган. Улар — Ҳабиба, Вова, Шухрат — рус, Ҳамидулла — украин, Рафик, Раҳматулла — татар, Холида — мен молдавдан, Самуғ — чуваш, Йўлдош, Эргаш — якудий, Ҳалима — козок, Қоровой, Неъмат, Муаззам, Ҳакима, Улуғбек — ўзбек.

Мана шунча йилдан буён мен ўзбек халқининг меҳру муҳаббатидан баҳраманд бўлиб яшайман. Президентимизга катта раҳмат. Халқлар ва миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича хайрли ишлар қилаяпти. Илоҳим, уни яратганининг ўзи қўлласин, умридан баракатописин!

Кўчқор НОРҚОБИЛ



Урушнинг биринчи кунини...

очеркдан парча

УРУШНИНГ ИЛК КУНИ ВА ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

Эрталаб тонги соат 4 дан 15 дақиқа ўтаяпти. Брест осмони гумбуллаб кетди. Казармаларда саҳарги уйку оғушидаги минг-минглаб аскарлар бу гулдурашни момақалдирак деб билди, ер ҳам силқиниб, портлаш содир бўлган пайт эсанкираб қолган ҳарбийлар нима бўлаётганини англамай ташқарига отилади. Ҳали Минск мудар эди. Ҳали Москва донг қотиб ухлар эди. Брестни фашист танкларининг занжирлари топтаб, газандалар пулемётлари ўрнатилиб, уларнинг оғзидан ажал уруғи сочилганда қалъадаги мард-жасур офицерлар зудлик билан қарши ҳужум режасини ишлаб чиқишди. Брест қарши ҳужум қилди. Улкан давлатнинг кафтеқина бир бўлакчаси бутан бошли фашист Германиясига қарши ҳимояга отланди.

Лаэнати Гитлер ўша кунни кечи билан кундуз соат 12 га қадр Брестни эгаллаб олам, таслим бўлса бўлмаса теп-текис қилиб, янчиб ташлайман-да, Минскка қараб йўл олам, Минскни забт этиб, Москванни босиб олам, деб ўйлаган эди.

Эрталаб соат 9 лар чамаси... Режа асосида Брест ҳимоячилари қалъани тунел дарвозалари орқали қўшинларга бўлиниб тез чиқиб кетишлари, қалъадан ташқарида туриб ҳимоя чизиги ҳосил қилиш керак эди. Юқорида айтдик-ку, қалъада ўндан

ортиқ турли-туман ҳарбий қисмлар бор эди, агар булар чиқиб кетишмаса ёппасига қуршовда қолишлари аниқ эди.

Дарвозалардан 6- ва 42-дивизия чиқиб кета бошлади... Буни иллаган фашист пулемётчилари нима қилиб бўлса ҳам қўшиннинг йўлини тўсиб қўйиш мақсадида тўхтовсиз ўқ ёғди. Ана шундай танг пайтда 125-ўқчи қисми 2- батальони ўқ отувчи жангчиси ўзбек ўғлини Авазат Ниёзматов газандалар жойлашиб олган нуқтага ўт очиб, қалъадан чиқиб кетаётган қўшинларни ҳимоя қилиб турди. У фашист пулемётчиларини ер тишлаб, душманнинг ҳужумини бирмунча тўхтатиб қолди, бу орада қўшиннинг бир қисми ташқарига чиқишга улгурди. Жанг яна давом этди. Авазат ўз ўрнидан жилмай босқинчилар билан қасдма-қасд жанг қиларди. Албатта, кучлар тенг эмасди, ҳар жиҳатдан устун қоролланган душман ҳамласини қайтаришнинг имкони йўқ эди. Сўнги ўқи қолғунча курашган мард Авазат охири фашистлар ўқиға ўз кўксини тутиб берди. Урушнинг биринчи кунда ўзбек ўғлини қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

У юзлаб аскарларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Авазат қалъадан чиқишга кўмаклашган қанча қанча жангчилар урушдан омон қайтган, унинг жасорати ҳақида чексиз хурмат билан гапириб юришди. Брест қалъасидаги қиргини ўз кўзи билан кўрган

жангчи Павел Егорович Свяков ўзбек ўғлонининг матонати ва мардлигини кўзда ёш билан ҳикоя қилади. Шунингдек, қалъа музейида сақланаётган ҳужжатлар ва айрим жангчилар хотиралари, музей илмий ходими Елена Владимировна келтирган муҳим маълумотларда Авазатнинг ҳақиқий инсон, мард ва жасур жангчи, ўз ҳаётини гаровга қўйиб, ўзгаларни хавфдан қутқариб қолиш қурбига эга чин ўзбек эканини англаймиз.

У бор-йўғи 19 ёшда эди. Ўн тўққиз ёш-а...

У урушнинг биринчи кунда ҳалок бўлган ўзбек эди.

У ўз авлоди, ўзбекларни урушнинг биринчи кунда шон-шарафга кўмган чин инсон эди.

Мен Брест қалъаси музейида Авазат Ниёзматовнинг ҳарбий сувратини кўрдим. Суврат ёнида ўзбекча дўпписини, оқ ўзбекча ханжар ва қин, от анжони ҳамда Авазатнинг кичкина расми урилган, қон юки қотган увада бир парча қоғоз — шахсни тасдиқловчи ҳужжатни кўрдим. Бу экзопонатларнинг ўзбек киши юрагини ўртаб юборди.

Авазат ким эди? Қаерда туғилган? Болалиги қерда кечди? Жасур жангчи Жиззах вилоятининг Зомин туманига қарашли “Ём” қишлоғида туғилиб-ўсади. Унинг болалиги Зомин кенгликлариде кечади. 1922 йилда туғилган Авазат Беларус ўлкасига ҳарбий хизматга қақирлади.

Камола БАКИЕВА,
меҳнат фахрийси,
Халқ таълими аълоҳиси:

У КУНЛАРНИ ЁДГА ОЛИШ ОҒИР!

ҚИРҚ биринчи йил йнгирма иккинчи июнь... Инсоният бошига оғир кунларни солган машъум уруш бошланган кунларни даҳшатта тушган болалигим хавотирни билан жуда яхши эслайман. Мен ўшанда етти ёшда эдим. Ҳар гал 22 июнь ҳақида гап кетса, юрагим ўша бахтсиз болаликнинг ваҳималари, даҳшатлари, изтироблари билан оғирлашади. Оталаримиз ўша кечдада уйга елқасида катта юк, кўзларда чексиз мунг билан кириб келгани, оналаримизнинг унсиз кўз ёш тўққани кечагидек эсимда.




Уруш бошланганлигини кўчаларимиздаги симёғочларга ўрнатилган қора карнайлардан солгани эълон қилишлари қулоғимдан ҳали кетгани йўқ. Хатирчи туманидаги Боғчакалон қишлоғидан барча эркалар, ёш-яланг йнгитлар бир кечда урушга сафарбар қилинди. Отам Ҳисомиддин Хайриддинов ҳам Ватан ҳимоясига отланди. Қишлоқда фақат аёллар ва воёга етмаган болалар қолди ҳолос.

Бир бурда нон топиш минг машаққатга айланди. Ўроқда ўрилган бугдойзор далаларда тушиб қолган бошокларни ярим тунда ой ёруғида ўғиринча теришга чиқардик. Бир бурда зоғора нонга етиш учун юрагимизни ховучлаб бошок терардик. Агар қўлга тушиб қолса, қўлимиздаги бугдой бошоклари ва уйимиздаги бир парча нонимизгача тортиб олиб кетишарди.

Қишлоқда нимаики бўлса, ўрқими, олмаи, ҳаммаси фронтга жўнатиладди. Онам ишдан кейин кечалари тонгача ухламасдан пайпоқ тўқирдилар. Ҳаммасини тахта яшиқлардан ясалган посылкага солишарди, ҳеч қандай манзил ёзилмасди. Фақат бир хил ёзув — “Ҳамма нарса фронт учун” деб жўнатиладди.

Урушнинг кайноқ нуқталаридан бошпанасиз қолган турли миллат вакиллари Ўзбекистонга олиб келинганди. Хатирчиға ҳам қўллаб қрим татарлар келгани, улар очликка чидай олмасдан баҳорда гуллаган ширин акация гулларини еганларини биламан. Очликка бардош бера олмасдан қанча-қанча одамлар кўз ўнгимизда вафот этди.

Орадан қанча-қанча йиллар ўтди. Бахтиёр кунларга етдик. Элга, юртга шараф билан хизмат қилдим, эъзоз топдим, эътибор топдим. Аммо ўша болаликнинг тумани хотиралари, отамнинг урушдан ағор бўлиб, оғир аҳволда қайтгани юрагимдан асло ўчмайди. Урушнинг номи ўчсин!



ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ НИМА?

— ХАЙР-ЭХСОН, васиятнома ҳам ҳадя бўлиши мумкинми? Ҳадя олувчи қандай ҳуқуқларга эгаллиги ҳақида билмоқчи эдим.

Муслима Абдуллаева,
Тошкент шаҳри

— Ҳадя шартномаси юридик ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 31-боби “Ҳадя” деб номланган бўлиб, кодекснинг 502-511-моддаларида айнан ҳадя шартномасининг шакли, уни тузиш, бекор қилиш, ҳадя бўйича ҳуқуқий ворислик, хайр-эҳсон туридаги ҳадя ҳақида батафсил маълумот берилган. Ҳадя шартномасига кўра бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текин мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (та-лабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Шартнома реал бўлса-да, айни пайтда ҳадя қилувчи ҳадя олувчига келгусида ҳадя қилиш мажбуриятини олади. Аммо ҳамма ҳолларда ҳам ҳадя шартномаси вужудга келавермайди. Айтайлик, ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганида ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳадя, деб тан олинмайди.

Ҳадя шартномаси баъзи ҳуқуқий белгилари билан бошқа шартномалардан фарқланади, албатта. Буни уларнинг ҳақиқий саналмаслиги ҳолларида ҳам кўриш мумкин. Битимларнинг ҳақиқий саналиши учун одатда қўйиладиган шартлардан ташқари, ҳадяда, биринчидан, ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклидаги ҳадя ашёсини аниқ кўрсатиш керак. Иккинчидан, ҳадя предмети ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг тирикчилигида топширилиши керак. Бундан ташқари, ҳадя шартномалари, албатта, олдий ёзма шаклда тузилиши, кўчмас мулкларни ҳадя қилиш эса, айни пайтда нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатида ўтказилиши ҳам керак.

Ҳар бир шахс ўзига тегишли бўлган мол-мулкни, у нималардан иборатлигидан ва қарда жойлашганлигидан қатъи назар, ўзи хоҳлаган шахсга ҳадя қилиб бериши ёки васиятнома қилиб қолдириши мумкин. Ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради.

Фуқаролик қонунчилигида ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширилишини назарда тутувчи шартнома тан олинмайди. Бундай ҳолатда ҳадяга нисбатан васиятнома тўғрисидаги қондалар қўлланади. Ҳадянинг васиятномадан фарқи шундаки, мулк ҳадя қилувчининг тирикчилигида топширилади. Васиятнома эса, инсоннинг ҳаётлигида унинг мулкий ҳуқуқларида акс этмайди. Васиятнома бекор қилиниши, ўзгартрилиши мумкин, ҳадя эса қонда тарикасида, орқага қайтмайди. Ҳадяни шартнома дейиш мумкин, васиятнома эса, одатда, бир томонлама битимдир.

Саволга Юнусобод туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Дилдор МУСАЕВА жавоб бери.

НАВОИЙ

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЎКАЧ ҚИЛГАН БАҲОНА ЎТМАДИ

НУРОТА туман адлия бўлими томонидан ўтказилган сайёр қабулларида уйма-уй юриш орқали, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бирга фуқароларнинг муаммолари ўрганилиб, муносабатлар ижобий ечим топишига эришилмоқда.

Хусусан, туман адлия бўлими томонидан 2021 йилнинг ўтган 5 охи давомида 19 нафар фуқаронинг турли ташкилотлардаги меҳнат стажлари Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Нурота туман бўлими томонидан пенсия ҳисоблашда инобатга олинмаганлиги бўйича муносабатлари ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси ва “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг манфаатини кўзлаб Нурота туман маъмурий судига киритилган даъво аризалари қаноатлантирилди.

Мисол учун, фуқаро Г.Улашев-

нинг 18 йиллик, Ш.Файзиёвнинг 12 йиллик, Т.Яркулова, М.Ҳамроева, Р.Ҳасановнинг 11 йиллик, А.Кўзиёва, З.Расуловнинг 10 йиллик, М.Жумабосевнинг 9 йиллик, А.Отаявнинг 8 йиллик, Н.Улашева, М.Муродовнинг 7 йиллик, Х.Назарова, Ш.Холназаровларнинг 6 йиллик, И.Ибрагимов, С.Бозоровнинг 5 йиллик, Р.Шодиева, Д.Жабборовнинг 4 йиллик, И.Каримова, Д.Бобоқулова, Р.Тўхсанов, М.Латипова, С.Кўлдосева, Э.Умаровларнинг 3 йиллик иш ҳақлари тўғрисидаги архив маълумотлари топилмаган бўлса-да, Меҳнат кодексининг 81-моддасига кўра меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат эканлиги асос қилиниб, Пенсия жамғармаси томонидан инобатга олинмаган меҳнат стажларининг пенсия ҳисоблашда тан олинishi таъминланди.

Умид СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

ГУЛИСТОН

АДЛИЯ АРАЛАШУВИДАН СЎНГ 90 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

“ГУЛИСТОН экстракт ё” акциядорлик жамиятидаги бир гуруҳ ишчилар иш ҳақини ўз вақтида ололмаётганликларини баён этиб, Гулистон шаҳар адлия бўлимига муносабат ўрганиш жараёнида акциядорлик жамияти раҳбарлари ўз вазифасига совуққонлик билан қарши оқибатда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланди.

Адлия бўлими аралашуви билан ушбу сан-соларлик ҳолатига чек қўйилди. Жорий йилнинг май-июнь ойларида киритилган 18 та даъво ариза бўйича “Гулистон экстракт ё” акциядорлик жамиятидан 90 миллион сўмга яқин пул маблағи ундирилиб, ишчиларнинг моддий жиҳатдан манфаатлари қаноатлантирилди.

Жумладан, Отабек Раҳмонкуловнинг иш берувчи билан меҳнат шартномасини бекор қилганлиги сабабли ҳисоб-китоб бўйича иш ҳақини ололмаганлиги факти юзасидан ҳужжатлари ўрганилиб, адлия бўлими томонидан судга даъво ариза киритилди ва фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2021 йил 4 июндаги буйруғи билан унинг фойдасига 4 миллион 787 минг сўм ундирилди. Фуқаро Абдураззоқ Жўраев ҳам “Гулистон экстракт ё” акциядорлик жамиятида 1991 йилдан бошлаб ўттиз йил давомида ишлаб келганлиги, қорхона фаолияти тугатилганлиги сабабли иш ҳақини олиш борасида бир неча бор акциядорлик жамияти раҳбариятига учраса-да, масала ижобий ечимини топмаганлиги учун адлия идорасига муносабат қилишга мажбур бўлганлигини билдирган.

Шаҳар адлия бўлими томонидан киритилган даъво ариза туфайли фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг буйруғи билан фуқарога 7 миллион 180 минг 187 сўм ундириб берилди. Худди шу тартибда ишчи Соҳиб Раҳимов фойдасига 4 миллион 938 минг 428 сўм ундирилди.

Назар ҚАРШИБОВ,
Гулистон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

МЕҲНАТГА МАСЪУЛ ИДОРАНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ

ФУҚАРО Д.К. ишдан ноқонуний бўшатиладиганидан норози бўлиб, Учтепа туман адлия бўлимига муносабат қилди. Муносабат ўрганилганда, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2021 йил 12 январдаги буйруғига асосан фуқаро Д.К. билан тузилган меҳнат шартномаси асосан бекор қилинганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, фуқаро Д.К.нинг 14 ёшга тўлмаган фарзанди бўлишига қарамастан, у билан меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилган.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг 16-бандига кўра, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, хомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланган.

Мазкур қонун бузилишини бартафат этиш мақсадида туман адлия бўлими томонидан фуқаро Д.К. манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига киритилган даъво аризасига асосан суднинг 2021 йил 17 мартдаги ҳал қилув қарори билан фуқаро Д.К. ўзининг аввалги лавозимига тикланиши, унга мажбурий прогул учун 5 миллион 300 минг сўм ва моддий зарар учун 2 миллион 500 минг сўм ундириш белгиланиб, муносабат муаллифининг бузилган ҳуқуқлари тўлиқ тикланишига эришилди.

Отабек НЕГМАТОВ,
Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи

ТОШКЕНТ

ФУҚАРО Ф.М.нинг 2019 йил июль ойидан бола парвариши таълиғига чиққан бўлишига қарамастан Шайхонтоҳур туман Санитария-эпидемиология осойишталик маркази томонидан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигидан норози бўлиб қилган муносабат туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

БОЛА ПАРВАРИШИДАГИ ХОДИМ ИШДАН БЎШАТИЛГАН

Ҳақиқатан ҳам, фуқаро Ф.М. билан тузилган меҳнат шартномаси 2020 йил 16 ноябрдаги Шайхонтоҳур туман СЭОМ бош шифокорининг буйруғига асосан бекор қилинган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 237-моддасида ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, қорхонанинг бутунлай тугатилиш қоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шартли билан бекор қилиниши белгиланган бўлиши керак.

Бирок, туман СЭОМ томонидан Ф.М. билан меҳнат шартномасини бекор қилишда мазкур тартибга риоя қилинмаган.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаро манфаатида Ф.М.ни ишдан бўшатиш тўғрисидаги туман СЭОМ бош шифокорининг буйруғини гайриқонуний деб топиб, уни янги ташкил этилган Санитария-эпидемиология осойишталик ва жомоат саломатлиги хизматида олдинги лавозимни ёки меҳнат шартларидан келиб чиқиб янги лавозимга ўтказиш мажбуриятини юқлатиш сўраб фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Судда бош шифокорнинг буйруғи бекор қилиниб, фуқаро Ф.М. янги ташкил этилган туман Санитария-эпидемиология осойишталик ва жомоат саломатлиги хизматидаги бак лаборатория бўлимига врач-эпидемиолог ёрдамчиси лавозимига ишга тикланди.

Мирсамад ЯКУБОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

МАСЛАК ЙЎҚОЛСА, ҒУРУР СЎНАДИ, ҒУРУРИНИ ЙЎҚОТГАН ЭСА МУТЕГА АЙЛанаДИ

ХАҚ сўзни қурол қилган, ҳаққоний ахборот тарқатган қаламшанинг қўли мудом баланд, мухлислари бисёр, обрўйи зиёда. Холис ва ҳаққоний ахборот инсон учун минсоли нон янглиғ азиз ва ҳаётий неъмат. Ахборотга суянган, ундан оқилона фойдаланган ҳолда иш тутаётганлар сони чандон кўп. Ва эътироф этмоқ ўрники, шу янглиғ ўсиш-ўзгаришлар баробарида ахборот таъминоти соҳасидаги пенжадамлик интернет журналистикаси илкига ўтди. Унинг нафаси Ўзбекистонга ҳам ёйилди. Мамлакат унга суянган ҳолда жаҳонга юз тутди. Холис ва ҳаққоний ахборот эса ниҳоят “бандилик” дан халос бўлди.

Юртимизда хур сўз, эркин фикрга кенг ўрин ажратилгани, қаламшани, деган инсонга катта ҳуқуқ ва воқолатлар берилганини эндиликда бутун жаҳон билади. Мамлакатимиз Конституциясида қайд этилганидек, “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўричилиги учун жавобгардирлар”. Конституциямиз руҳи билан сўғорилган қонунчиликмизга қўра, ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни саклаш ҳуқуқига эга. Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан бирга қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Фуқароларнинг шайни ва кадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини тахрирлаш, шахсий ҳаётига аралаштириш тақиқланади.

Шу йил бошида Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Нодирбек Жуманиёзов (кейинчалик у Давлат хизматлари агентлигининг вилоятдаги бошқармаси раҳбарлигига тайинланди)нинг ташаббусига биноан уюштирилган юзма-юз мулоқот асносида воҳода фаолият юритаётган кўпгина оммавий ахборот воситалари вакиллари қатори шовотлик бир блогер (исм-шарифини ошкор этишни лозим топмадик)га ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифодалаш имкони берилди. У ўз блогерлик фаолиятига оид фикрларини очикқўнглик билан баён этаркан, тўпори хулқ, дағалик, кўрслик аломатларини кишлоқда туғилиб-ўсгани, бу масканда истикомат қилувчилар нечоғлик меҳнаткаш,

жафокаш бўлмасин, аксари шундай табиатли кишилардан иборат экани билан изоҳлади. Танига жон билан бирга қирган бундай феъл блогерлик фаолиятида ҳам акс этаётгани ва у ўзга шахслар, турли идора ва ташкилотлар мутасаддилари билан муомала-мулоқот чоғи ҳам намоён бўлаётгани, натижада, зиддият-қелишмовчиликлар ҳам юз бераётганини эътироф этди. Аммо галати жиҳати, кишлоқдан чиққани боис буни ўз айби ўрнида санамастлигини билдирди. Ўзининг интернетдаги саҳифаси орқали жоизу нојоиз талқин, тазйик, ҳатто, тажовуз оҳангидаги материаллар омма ҳуқуқига беистихола хавола этилаётганини ҳам шахсий хулқ-атвори билан боғлади, кишлоқликлар табиати ахлоқнинг шу каби меъёрларини четлаб ўтишга изн беришини алоҳида таъкидлади. Унинг бу сўзларидан кейин ўзи учун талай хулқий-ахлоқий меъёрларни кашф этган, қалам ахллари учун қонунда белгиланган ҳуқуқ ва воқолатларини ҳам беш бармоқдай билган, ундан керагича фойдаланган, аммо бу борадаги бурч ва мажбуриятларини билмаган, билса-да амал қилишни истамаган кишининг ҳақиқий қиёфасини кўрдик.

Журналистиканинг олтин қондаси бор. Унга кўра оммавий ахборот воситалари орқали тақдим этилаётган хабар ва лавҳалар ҳеч маҳал муаллифнинг шахсий эхтироси ва хулқ-атворини оддинги ўринга олиб чиқмаслиги, шахсини тарғиб-ташвиқ этмаслиги, балки умум ҳамда қонунчиликмиз эътироф қилган этик ва эстетик меъёрлар, юксак маънавий-маърифий, маданий дунёқараш намуналарини ўзида муҷассамлаштириши, журналистиканинг бу борадаги талабларига тўла жавоб бермоғи керак.

Миллий гурур, юртга фарзандлик бурчини қалбда туймаган, ўзи ва ўзлигини англамаган, халқи ва Ватанини суймаган, бу борадаги фарзу, қарзларини англамаган, онг-тафаккурини чархламаган, ўз касб-корига оид илм ва малакасини оширмаган кишилар, хусусан, қаламқашлар, жумладан, блогерлар ҳам юраётган йўлидан тойиши, адашиши, қоқилиши турган гап.

Шу ўринда ижтимоий тармоқда муҳокама этилган яна бир воқеага эътибор қаратсак. Яъни, буюқ саркарда Жалолиддин Мангуберди бобомиз сиймосини шаҳри-азим Урганчининг қоқ марказига кўчириш борадидаги хайру-сабов амалларни қоралашга қаратилган ҳаракат беш-ўн эмас, бутун воҳа аҳли қалбига озор берди. Аслида интернет тармоғи орқали қасд, ғараз ва қўролмаслиқнинг қўланса хили анқиган бундай терс муҳокамага зарурат бормиди, ўзи? Йўқ. Қанча ахтарманг, бунга сабаб тополмайсиз. Бинобарин, хотира монументини янгилаш ва уни ўзга масканда барпо этиш гоёси бесабаб ва беасос ўртага ташлангани йўқ. Бундай тadbирини тобора юксалаётган, куч-қудрат қашф этаётган, гўзаллашув, ободлик ва орасталликка бурканётган турмушимизнинг ўзи тақозо этди. Халқимиз эса ўзининг ўлмас жасорати, матонати, шижоати ила жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган, юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор курашиб, жон фидо этган улуг шох ва саркарда бобомизга нанкик шаҳримиз, воҳамизнинг бош майдони, балки қалби тўридан ҳам ўрин ажратишга мудом тайёр. Бироқ, масаланинг дилини хижик этувчи тарафи бор. Буюқ аждодимиз хотира-сига бағишлаб, истиклолимизнинг дастлабки йиллари яратилган хайкал кўпчилигининг

назари ва эътиборидан хийла чет жойда қал ростлади. Йилни қувлаб йиллар ўтди. Анчайини омонат ҳолда гипсдан ясалган хайкал бора-бора мўртлашди, оҳорини тўқди, тароватини йўқотди. Бу ҳол аксарият хоразмликлар, қолаверса, юртимиз жамоатчилигини ҳам сергақ торттирди. Ҳатто, зиёратга келган бир қатор хорижликлар ҳам дилдаги ажабланиш туйғуларини яшира олишмади. Давлатимиз раҳбари эса омманинг қалби, хоҳиш-иродасини зуққолик билан англади, бундан-да улуғвор, маҳобатли ва салобатли ёлдорлиқни шаҳарнинг барча расмий маросимлар, байрам тadbирлари, умумхалқ шодиёналари, сайл-томосшалар ўтказиладиган бош майдони — азим Урганчининг қоқ марказига кўчириш ташаббуси билан чиқди. Айни кезде мақкур сервакор ёлдорлик мажмуининг ўзинигина эмас, балки шаҳарнинг у жойлашадиган янги бош майдони — бетакдор меъморий счимини ўзида муҷассамлаштирган гоғтада гўзал зиёрат ва истироҳат масканини ҳам бунёд этиш ишлари қизиган давом этаётган.

Аммо ҳеч қимга шараф ва обрў келтирмайдиган ғаламисликлар, Ватанга, халққа, жаҳиятга қарата тош отиш ҳолатлари ҳамон давом этаётгани жуذا ачинади. Ваҳоланки, халқимиз қимга яқин, қимдан эса йироқ юртини бировларнинг аралашувисиз ўзи хал этиди.

Яна бир қалима сўз. Юрагида гурури, маслаги борлар йўлидан адашмайди. Бинобарин, маслак йўқолса, гурур ҳам сўнади. Гурурини йўқотганлар мутега айланади. Бундай шум қисматдан Яратганининг ўзи асрасин.

Абдулла СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган журналист

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА, БУНИ АСЛО УНУТМАНГ!

ЯҚИНДА ижтимоий тармоқларда бир ноҳус хабар тарқалди. Яъни, Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тарқатган мақкур хабарга биноан, Сурхондарё вилоятининг Денов туманида ҳайдовчилик гувоҳномасини олганига бир йил ҳам тўлмаган шахс “Damas” автомобилда 17 ёшли болани уриб юборган. Йўл-транспорт ҳодисаси жерий йилнинг 10 июнь кунини туманининг “Сезор” маҳалласи ҳудудига рўй берган. Оқибатда жабрланувчи — 2004 йилда туғилган ўсмир бола олган жароҳатлари туфайли шифохонада вафот этган.

Таъкидланишича, қондабузар ҳайдовчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олганига бир йил тўлмаган бўлса-да, ана шу қисқа вақт мобайнида 15 мартаба ҳуқуқбузарлик содир этиб, жавобгарликка тортилган. Шундан бир марта ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабини бажармаган, яна бир марта транспортлар оқимига қарама-қарши ҳаракатланган.

Энди ҳақли савол туғилади: хўш, кечанига ҳайдовчилик гувоҳномасини олган шахсининг бунчалик кўп қонда бузишини қандай тушуниш мумкин?

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, уша ҳайдовчи йўл ҳаракати қондаларини умуман, очикдан-очик менсимаган. Аксинча, бундай “рекорд” натижани қайд этолмасди. Энг ачинарлиси, унинг қонунга беписандлиги эндигина ўзининг бекиёс орзу-умидларини билан қатта ҳаётга қириб келаётган ўсмирнинг умрига зомин бўлди. Бундай бешошлиқларга қачон чек қўйилади?

Минг афсус.
Ҳеч биримизга сир эмас, аксарият йўл-транспорт ҳодисалари

тезликини меъридан ошириш ва маст ҳолда рулга ўтириш туфайли юз беради. Айтишда, ҳайдовчи ярим соғлиқ масофани 15-20 дақиқада босиб ўтмоқчи бўлади. Ёхуд белгиланган манзил томон кеч йўлга чиқади. Баъзан ўзини кўз-кўз қилиб, бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтади. Оқибатда бошқарувни йўқотиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этади. Узини хон, қўланасини майдон санаган баъзи ҳамюртларимиз эса спиртли ичимлик ичгач, автоуловини бошқаришади. Оқибати эса, ўзингизга аён.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида инсон ўлимининг юз бериши энг аянчли ва кечириб бўлмас ҳолатдир. Агар йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси тарқатган рақамларга назар ташласак, ўтган 2020 йилда йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 1962 киши халок бўлган.

Ўйлаб кўринг: бир фуқаро ўзи ўтирган ёки қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келаётган машина ҳайдовчисининг айби билан ҳаётдан эрта кўз юмди. Хўш, бунинг товонини қим тўлайди? Айбдор

шахс-ку қонунда белгиланган жазони олади. Ҳатто жабрланувчига маънавий зарар ҳам тўлар. Лекин вафот этган кишининг эрта етим қолган фарзандларига қим оталик ёки овалик меҳрини беради? Ахир, бундай ноҳушлик оқибатида етимликка маҳкум бўлган болаларнинг гуноҳи нима?

ҲАЙДОВЧИЛИК МАДАНИЯТИ

Агар рулга ўтирган ҳар қандай киши ҳайдовчилик маданиятига амал қилса, йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада қамаяди. Бизда эса кўпгина ҳайдовчилар бир-бирини ҳурмат қилмайди, йўл ҳаракати қондаларини очик-ойдин менсимади. Йўл-транспорт ҳодисаларининг тезлик ва маслиқдан ташқари яна бир асосий омилли ана шу. Масалан, қатта йўлнинг биринчи қисмида турган автомашина ҳайдовчиси дабурустан йўлнинг учинчи қисмига ўтмоқчи бўлади ёхуд орқага қайтишга уринади. Оқибатда орқалдан келаётган ҳайдовчи у билан тўқнашиб кетади. Ёки чорраҳада светофорнинг ранги-

га эътибор бермай қарақланади.

— Светофорнинг сариқ ранги ҳамма учун бироз тўхтаб туриш ишорасини беради. Бироқ бизнинг “учар” ҳайдовчиларимиз сариқ ёнса, худди яшил ёнгандек газни босишади. Баъзан мамлакат миқёсидаги ёки халқаро йўлга маҳаллий ёхуд ички йўлдан қатта тезликда чиқиб қолти ҳолатлари кузатилади. Бу эса асосий йўлда келаётган автомашиналар ҳайдовчисини гангитиб қўяди. Шунингдек, ҳаракатланишда мўлжални тўғри олмастик ҳам турли ноҳушлиқларга сабаб бўлади, — дейди кўп йиллик тажрибага эга бўлган, 66 ёшли ҳайдовчи Қодирлар Ботиров бш билан сўхбатда. — Менимча, йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун, айниқса, инсон ўлимига сабабчи бўлган ҳайдовчиларга нисбатан жавобгарликни қучайтириш лозим.

МАДАНИЙТСИЗ ЙЎЛОВЧИЛАР

Модомики, гап йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши ва йўл-транспорт ҳодисалари хусусида борар экан, бунда ўзимизнинг — йўловчиларнинг ҳам ҳиссаси борлигини тан олишимиз керак. Яъни, айримларимиз йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида йўловчилар учун жерий қилинган қондаларга амал қилмаймиз, ҳатто менсимаймиз ҳам. Айтилиш, оқ ва сариқ ранглар билан чизилган ўтиш жойи қолиб, йўлнинг дуч келган қисмидан кесиб ўташар. Ёки йўл ўртасидаги темир панжаралар устидан сакраймиз. Бундан ташқари, ер ости йўли турганда йўлнинг ўтиш мумкин бўлмаган қисмида ҳаракатланаемиз. Йўловчиларнинг яна бир тоифаси мавжудки, улар қулониға қулқочини тақиб, уяли телефондан мусика эшитиб юришади. Йўл-ни кесиб ўтаётганларида ҳам шу аҳволни кузатишимиз мумкин. Оқибатда машина сигнални эшит-

май қолиб, фалокатга йўлиқишлари — тан жароҳати олишлари, баъзан йўл-транспорт ҳодисаси қурбонига айланишлари ҳам ҳеч гап эмас. Бундай ҳаракатлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 138-моддаси (Пиедалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қондаларини бузиши)да тегишли жавобгарлик белгиланган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, айрим ҳамюртларимиз юз бераётган йўл-транспорт ҳодисаларига йўлларнинг носозлигини сабаб қилиб кўрсатишади. Албатта, уларнинг илдоасида ҳам жон бор. Негаки, носоз ва нотекис йўл ҳайдовчи учун ҳам, пиедалар учун ҳам қонунийлик туғдиради.

Албатта, йўл ва йўлларда ҳаракатланиш масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Шу боис, яқинда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигига рия қилиш ҳақида ФАТВО” си ҳам эълон қилинди. Унга кўра, муқаддас динимиз йўл ҳаракати қондаларига — ижтимоий қондалар сифатида қарайди ва унга рия қилишга буюради. Йўл ҳаракати қондаларига рия этиш ҳаётни саклаш, авлодни саклаш ва мулкни саклаш максалларига етишга қизмат қилади. Қондан бузиш — бошқа бир йўл ҳаракати иштирокчиси ҳаққини поймол қилиш ва унга зулм қилиш ҳисобланади. Мусулмон кишининг йўл ҳаракати қондалари, одоб ва маданиятларига амал қилиш қузатув марамалари ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари ходимлари назорат қилаётгани учун эмас, балки амалдаги йўл ҳаракати қонун-қондаларига амал қилиш — Исломи дини талаби, деб эътиқод қилган ҳолда бажариллиши керак. Шунда йўлда юриш ҳам ибодатга айланади.

Хуриш СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири



БМТ Низомининг 33-моддасига кўра, Халқаро тижорат арбитражи низоларни ҳал қилишнинг шакли бўлиб, одатда, халқаро хусусий ҳуқуқда давлатлараро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг усулларидан бири сифатида қўлланилади.

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

ҲУҚУҚИЙ ривожланишнинг узок ва ўзига хос тарихига эга бўлган халқаро тижорат арбитражи бугунги кунга келиб, суд тизими билан бир қаторда, хусусий-ҳуқуқий тусга эга бўлган ташқи иктисодий низоларни ҳал қилишнинг кенг тарқалган ва тез-тез ишлатиладиган воситасига айланган.

Халқаро тижорат арбитражи — бу ҳакамлик суди бўлиб, унинг асосий мақсади халқаро тижорат низолини мазмуни бўйича муайян процессуал шаклда низолашувчи тарафлар учун мажбурий бўлган қарор чиқариш йўли билан кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборат. Арбитражнинг моҳияти шундаки, у низолашувчи тарафлар ўртасидаги келишув асосида уларнинг бевосита иштироки ва назорати остида шаклланади. Шу маънода, арбитражнинг маълум бир давлат суд тизимининг органлари ҳисобланган давлат судлари институтига мутлақо қарама-қарши институт деб аташ мумкин.

Фаолиятнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиб, халқаро тижорат арбитражи тарафларга бир қатор афзалликларни тақдим этади. Тарафлар арбитражга ихтиёрий равишда ўзаро келишган ҳолда мурожаат қилади. Тижорат арбитражи давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмай, ақсарият ҳолларда тарафлар белгиланган ўз қондаларига риоя қилади. Бу низоларни кўриб чиқиш жараёнини сезиларли даражада соддалаштиради ва тезлаштиради.

Шунингдек, низоли кўриб чиқишда арбитраж суди фақат битта инстанцияни назарда тутадиган ва у томонидан чиқарилган қарор якуний ҳисобланади, мажбурий равишда бажарилади. Давлат судида эса жараёнлар учта, шу жумладан, апелляция ва кассация инстанцияларида амалга оширилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, арбитраж қарори низо моҳияти ва қўлланилаётган ҳуқуқ масалалари билан боғлиқ бўлмаган чекланган асослар бўйича бекор қилиниши мумкин.

Давлат судларига келсак, тарафларнинг давлат судларига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун

қилган мурожаатлари баъзида узок вақт кўрилади, давлат судининг қарорлари устидан шикоят қилиш мумкин, бу эса, албатта, талбиркорнинг вақт ва маблағининг сарфлашига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон талбиркорлари билан иктисодий муносабатлари бўлган хорижий талбиркорлар ўз низоларини давлат суд тизимида эмас, халқаро арбитраж судларида ҳал қилишни афзал кўради. Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитражи суди ва тегишли қонунчилик йўқлиги туфайли ақсарият ҳолларда хорижий ҳамкорлар билан тузиладиган шартномаларда барча низолар чет элдаги арбитраж судлари томонидан ҳал қилиниши кўзда тутилган.

Юқориди айтилганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши низоларни судгача ҳал қилиш соҳасидаги энг самарали қарорлардан бири бўлди, дейиш мумкин. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонун 2021 йил 16 февраль кунини маъқуллади ва расман эълон қилинди. Мазкур Қонун расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин қучга қиради ва қачон тузилганлигидан катъи назар, арбитраж келишувига мувофиқ ушбу Қонун қучга қиргандан кейин бошланган халқаро тижорат арбитражга нисбатан қўлланилади.

Қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад халқаро тижорат арбитражи фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир.

Тижорат арбитражи Ўзбекистон Республикаси суд тизимига кирмай, тўлиқ мустақил ҳисобланади. Бу Қонуннинг 7-моддасида ақс этган бўлиб, унда арбитраж судлари ўз фаолиятида ҳеч кимга бўйсунмаслиги ва мустақил эканлиги белгилаб қўйилган. Арбитраж судларининг фаолиятига бирор-бир аралашувга, худди шунингдек, унга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди ҳамда бу Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жавобгарликка сабаб

бўлади. Бундан ташқари, арбитраж судининг фаолиятига ҳеч қандай суд аралашувига, мазкур Қонунда бундай аралашув белгиланган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

Яна бир афзаллик шундаки, арбитраж муҳокамаида тарафларга мустақил танлаш имконияти берилиб, бу, ўз ўрнида, юристлар билангина чекланмай, бошқа мутахассислик вакиллари, яъни турли соҳа экспертларига нисбатан ҳам қўлланилади. Давлат судида эса низоларни давлат томонидан тайинланган судьялар ҳал қилади.

Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, арбитраж судларида муҳокаманинг мутлақо махфийлиги таъминланади, бу тарафларнинг халқаро иктисодий ҳамкорлигининг бошқа иштирокчилари олдиданги имиджи ва ишчанлик обрўсини сақлаб қолиш имконини беради.

Хусусан, Қонуннинг 53-моддаси агар тарафлар бошқача келишиб олманган бўлса, арбитражнинг махфийлигини таъминлайди. Шу тариқа, арбитраж муҳокамаи ва арбитраж муҳокамаи учун тайёрланган ҳамда ушбу муҳокама жараёнида тайёрланган барча ҳужжатлар махфий ҳусусиятга эгадир. Махфий ахборот уч сабабга кўра ошқор этилиши мумкин: агар бу қонунчиликка мувофиқ тарафнинг мажбурияти бўлса; агар ахборотни ошқор этиш учунчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёки уни амалга оширишга қаратилган бўлса; агар ахборотни ошқор этиш арбитражнинг ҳал қилув қарорини ижро этиш ёки ушбу қарор юзасидан судда низолашиш учун зарур бўлса.

Юқориди айтилганлардан келиб чиқиб, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, Ўзбекистон низолини умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ халқаро тижорат арбитражи орқали ҳал қилинадиган бир қатор давлатлар даражасига кўтарилаётганидан далолат беради.

Анвар УСМОНОВ,
Ирина ҲАКИМОВА,
Тошкент шаҳар суди судьялари

ЮРТИМИЗДА 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар Ўзбекистонни киндик қони тўкилган жой сифатида ардоқлайди, эъозлайди, албатта. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари Асосий қомусимиз бўлган Конституцияимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 23-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”, дейилади.

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР

Яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонунда бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кириб келаётган ёки унинг ҳудудида вақтинча турган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун бир қатор қулайликлар белгиланди.

Мазкур Қонун билан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланди. Яъни, мамлакатимизда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Айни вақтда эса, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олиши лозим.

Қонунда чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятлари ҳам белгилаб берилди. Уларнинг Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда мулк ҳуқуқидан фойдаланиши, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиши, нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, иштирокчилари, аъзолари бўлиши, давлат органларига, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши, давлат хизматларидан фойдаланиши белгиланди. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистонда таълим олиши, солиқ имтиёзларидан фойдаланиши, никоҳ тузилганлигини қайд этиши, пенсия олиши мумкинлиги ҳам қонуний тартибга солинди.

Мазкур тоифадаги шахсларнинг мамлакатимизга кириб-чиқиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиши ҳам қонуний белгилаб берилди. Республикамиз томонидан виза режими ўрнатилган мамлакатлар фуқаролари амалдаги ҳара-

катланиш ҳужжатлари бўйича кириш визалари ёки электрон визалар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистонга кириши мумкин бўлди.

Қонунда чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жавобгарлиги масаласида ҳам сўз боради. Унда Ўзбекистон ҳудудида жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асосларда жавобгарликка тортилиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Қонуннинг 8-моддаси чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сиёсий бошлана беришни назарда тутди. Мазкур тоифадаги шахслар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг қонуни олдида тенглиги белгиланди. Икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эга бўлган чет эл фуқаролари қайси давлат фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ҳужжатлар бўйича мамлакатимизга келган бўлса, Ўзбекистонда ўша давлатнинг фуқаролари ҳисобланиши, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун шахсни тасдиқловчи идентификацияловчи карта берилиши каби муҳим масалалар ҳам белгилаб берилди.

БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, “Апатридлар мақоми тўғрисида”ги конвенцияда ҳам фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу Қонуннинг қучга кириши Ўзбекистонда истиқомат қилаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларини Ўзбекистон фуқаролари каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга макомда ҳис қилишлари учун имконият яратди.

Рухullo ЙЎЛДАШБАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ЭЪЛОН

*“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15/2-моддаси ҳамда Қўрашқадар виллоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 4 июндаги 8-сон йилгилик қарорига асосан Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Муҳаммад-Али Исмаиловга (лицензия КС 002, 2020 йил 22 апрель) виллоят адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғуллануши ҳуқуқини бериши лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатта, яъни жорий йилнинг 5 июнь кунидан 5 июнь кунига қадар ҳам Қосон туманида хусусий амалиёт билан шуғуллануши нотариус Сайфиёв Хамаз Убайдуллаевичга (лицензия КС 0037, 2020 йил 27 апрель) виллоят адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғуллануши ҳуқуқини бериши лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатта, яъни жорий йилнинг 7 июнь кунидан 7 июль кунига қадар тўхтатилди.

Инсон ва Қонун

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази нашри
info@adolatmarkaz.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
4772018781008

Бош
муҳаррир

Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Журабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фуқрат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулбаҳор Ортиққўжаева
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимида, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уюмда чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4096
Буюртма — V-4724

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 22:20

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

Рақамлар ортидаги МЕҲНАТ, ШИЖОАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ДАВЛАТ хизматлари марказлари орқали олинadиган хизмат турлари 2017 йилда атиги 37 та бўлган бўлса, 2018 йилда 103 та, 2019 йилда 128 та, 2021 йилда эса 154 тага етди. Жорий йилнинг охирига қадар марказлар орқали 160 дан ортиқ шаффоф, қулай ва тезкор давлат хизматларини кўрсатиш режалаштирилган. Шу йиллар давомида жисмоний ва юридик шахсларга 25 миллиондан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди.

Айни вақтда, мамлакатимизда 205 та давлат хизматлари маркази фаолият олиб бормоқда. Шу кунгача замон талабларига жавоб берадиган 142 та давлат хизматлари марказлари бинолари қуриб битказилди, 50 га яқин биноларда қурилиш, таъмирлаш ишлари жадал олиб боришмоқда. Давлат хизматлари марказининг 115 та филиали ташкил этилди. Улар орқали 85 мингдан ортиқ хизмат кўрсатилди. Марказлардан олис ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига кўрсатилган сайёр давлат хизматлари сони 662 мингдан ортиқ. “Обод қишлоқ” дастури доирасида яна 25 та филиал ташкил этилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида ҳам жорий йил охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага қўпайтириб, уларни жами 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарурлиги айтиб ўтилган эди.

ЎЗИНИ ОҚЛАЁТГАН “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМ

Давлат хизматларини кўрсатиш “маҳаллабай” тизимида амалга оширилмоқда. Унга кўра, ҳокимлик, вилоятдаги мутасадди ташкилотларнинг раҳбар ва масъул ходимлари ҳар бир маҳалла кесимида “Ишчи гуруҳлари”га бириктирилди. Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш мақсадида турли мутасадди ташкилотлар вакиллари уйма-уй юриб фуқаролар билан суҳбатлашмоқда. Шу билан бирга, уларнинг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзини ўзгартириш бўйича камчиликлар аниқланиб, муаммолар жойида бартараф этилмоқда.



Тошкент вилоятида ҳам давлат хизматлари кўрсатиш бўйича аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай” тизими ташкил этилди. Ушбу тизимнинг афзалликлари шундаки, энди ҳар бир маҳаллада марказ ходимлари уйма-уй юриб, у ерда муҳит билан яқиндан танишишмоқда. Аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга сайёр хизмат кўрсатилиб, давлат рўйхатидан ўтказилаётган. Қолаверса, давлат хизматларидан фойдаланишда аънанавий усуллар ўрнига, онлайн хизматлардан фойдаланиш бўйича ҳам тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Шу билан бирга, фуқаролар, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ муаммолари тўлиқ ўрганиб чиқилиб, бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай” тизимида тўлиқ камраб олинмоқда.

БАРАКА ТОПИШСИН!

Вилоятдаги “Бурчмулла” қишлоғи денгиз сатҳидан 900-1000 метр баландликда жойлашган. Унинг ён-атрофидаги “Яккатут”, “Палтов”, “Янгикўрган” қишлоқларида 8 минг нафардан кўп аҳоли яшайди. Туман марказига бориш учун 60-70 чақирим йўл бошиш керак.

Бунинг учун камида бир кун вақт кетади. Шу боис, “Бурчмулла” қишлоғидаги маҳалла фуқаролар йиғини биносига Бўстонлик тумани Давлат хизматлари маркази филиали ташкил этилди.

Давлат хизматлари маркази филиали очилганини эшитиб, 15 чақирим йўл босиб,

“Палтов” аҳоли масканидан кира олиб келган Мурод ота Эржигитовнинг қувончи чексиз. Яшаб турган уйига кадастр ҳужжатларини олишда энди 70 чақирим йўл босиб туман марказига боришига ҳоҳат қолмади. Ҳужжатларни филиал орқали топшириш ҳам мумкинлигини билганида жуда хурсанд бўлди. Шу ернинг ўзига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун аризаси қабул қилинди.

— Филиалнинг очилиши биз каби кексалар учун, айниқса, катта қулайлик яратди, — дейди Мурод ота Эржигитов. — Туман марказига бориш учун анча қийинчиликлар билан 2 та ул овга чиқиларди.

Вақтимиз кетарди, йўлқира ҳам шунга яраша эди. Айниқса, кишининг қорли, кировли қунари бу янада қийинчилик туғдиради. Энди бизга катта қулайлик яратилиб, узоғимиз яқин бўлди. Ходимларининг муомалаларидан эса кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳатто, чарчаб келгандирсиз, деб бир пиёла чой ҳам узатиш эсларидан чиқмайди. Барака топишсин.

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистон таракқиетида инсон манфаатлари бош мезон сифатида белгилангани ҳамда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идораларини халқимизга хизмат қилиши керак”, деган улғувор ғоя илгари сурилган давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг янада тақомиллаштириб борилаётганидан дарак беради. Бу янгича ва замонавий тизим эса, бутунги мураккаб шароитда нақадар тўғри танлов ва тўғри ислохот эканини амалда ўз исботини топиб ултурди.

Эркин ДОРИПОВ, журналист

ҲАР ҚАНДАЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОРТИДА БИЛИМСИЗЛИК БОР

Тўғри, бадий адабиётларнинг ҳаётимизда ўрни катта. Лекин ҳаётимизда ҳуқуқий билим ҳар қадамда зарур. Ҳуқуқини билмаган инсон эса, кўпинча муаммоларга дучор бўлади. Шунда ҳуқуқий наشرлар, ҳуқуқшунослар бу борада ёрдамга келади. Қаниқди, ҳамма ҳам ҳуқуқий мавзудаги китобларни ўқиса, ҳуқуқий билими ошса.

Жиноят кўчасига кириб қолаётган ёшларда ҳуқуқий билим етишмайди. Агар маъмурий ёки жиноий жазо турлари ҳақида ёшлар тўлиқ маълумотга эга бўлса, хато қилишдан олдин унинг оқибати ҳақида ҳам ўйлайди, айлитади. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноий қилмишнинг ортида билимсизлик бор.

Онлайв кутубхонаси бўлмаган ёшлар билан суҳбатлашганда, уларнинг ҳаётдаги бу бўшлиқ дарров сезилади. Ҳамма оилда ҳам бундай имконият бор, дея олмаيمиз. Лекин

ноширлар ҳам замон билан ҳамнафас ишлаб, китобхонлар учун қулай имкониятларни кидиришмоқда. Бир китобхон сифатида “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази томонидан фақат пойтахтда эмас, вилоятларда, бир қатор ўқув масканларида, айниқса, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган ўқув юртиларида китоб савдо ярмаркалари ташкил қилинаётганидан жудаая миннатдорман.

Кўпчилик ҳудудларда китоб дўконларининг ўзи йўқ. Бор бўлса ҳам, китобларнинг нархи қиммат, ҳамма талабнинг ҳам устама нарх қўйилган қиммат китобларни сотиб олишга моддий имконияти йўқ. Бошқа наشريётлар ҳам жойларда китоб сайилларини тез-тез ташкиллаштириб туришлари керак, деб ўйлайман. Шунда вилоятлардаги, чекка ҳудудлардаги аҳоли, айниқса, талаба, ўқувчи ёшлар ҳам китобни наشر нархида

олиш имкониятига эга бўлишади.

Кейинги йилларда “Адолат” наشر белгиси билан Брайль алифбосида бир қатор наشرлар, муҳими, Асосий Қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси наشر қилиниши, очитғи, имконияти чекланган ёшларимиз учун жуда катта совға бўлди.

Ижтимоий тармоқлар орқали “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот марказининг “Аудиокодекслар” жамланмаси тайёрланганини эшитиб, биз — талаба ёшлар жуда қувондик. Сабаби, аудиокодекслар талабалар учун жудаая қулай. Бундай китобларни ҳар бир китобхон қўл телефони ёки шахсий компютери хотирасида сақлаб қўйиши, электрон кутубхонасидан истаган вақтда, ўзига қулай шариоитда, масалан, йўлда, транспортда ҳам эшитиб, билим олиб кетиши мумкин.

Шу ўринда бир тақлим бор. Аудиокодекслар қаторида бошқа ҳуқуқий наشرларнинг ҳам аудио, “АРК” кўришнишлари тайёрланса, китобхонлар замонавий техника имкониятларидан фойдаланиб ҳуқуқий билимларини оширган бўлар эди.

Оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, интернет имкониятларидан фойдаланиб ҳуқуқий мавзуда викиориналар янада кўпроқ ташкил қилинса, ёшларга бошқа қимматбоха совғалар эмас, айнан совға сифатида энг бебаҳо китоблар совға қилинса, ҳар бир оилда ҳам ҳуқуқий мавзудаги китоблар бўлишига эришишимиз осон бўлади.

Умида ЧОРНЕВА, Сурхондарё вилоят юридик техникуми битирувчиси



“АДОЛАТ” га мактублар
ФАРЗАНДЛАРИ билимли, қомил инсон бўлиб улгайишини истаган ҳар бир оиланинг овлави кутубхонаси бўлади. Менинг шахсий кутубхонамда “Адолат” наشر белгиси билан наشر этилган китоблар жуда кўп. Ҳуқуқшунос дўстларим бўлган талаба ёшларнинг ҳам ҳуқуқий наشرларга қизиқишлари катта. Дарслик китоблардан ташқари қўшимча ҳуқуқий адабиётларни ҳам қизиқиб ўқиймиз.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент иқтисодий коллежи томонидан 2019 йилда Маҳаммадиев Мансуржон Мадамжон ўғлига берилган №5760714 рақамли диплом йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 4 июндаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги “АДВОКАТ ЗОКИРОВ АЛИШЕР” адвокатлик бюроси адвокати Зоиров Кўчкор Хабибуллаевичга 2018 йил 25 декабрда берилган АН 000169 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адво-

катлик мақоми аризасига кўра тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, бошқарма бошлигининг 2021 йил 4 июндаги буйруғига асосан Самарқанд шаҳар “ШАҲАКАТ” адвокатлар хайъати адвокати Тўрақов Шохриод Бекқодировга Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳодожини 168-моддаси, 1-қисми билан жиноят ўзи қўриқлангани сабаби унинг номига вилоят адлия

бошқармаси томонидан 2018 йил 19 декабрь куни берилган SA 000033-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми суд ҳуқуқ қонуний қўриғига қадар йўқолиши билан тугатиш ҳақида қарор қабул қилинганга қадар бўлиб даврга тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд

шаҳридаги “ТЕМИРЙЎЛ” адвокатлар хайъати адвокати Аманов Алишер Бурханович вафот этганига сабаби бошқарманинг 2021 йил 4 июндаги 207-ўн-сон буйруғига асосан, унинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 27.12.2018 йилда берилган SA 000202-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикасининг Қонунига асосан, бошқарманинг 2021 йил 29 майдаги буйруғига асосан Самарқанд шаҳар “АРТ ДЕФЕНДЕР” адвокатлик бюроси адвокати Қўчматов Собир Худойназаровичнинг 2010 йил 2 май куни берилган TS 000311-сонли ва “ЖУМАЕВ ВАУМАҚНАММАТ РАҲМАТОВИЧ” адвокатлик бюроси адвокати Жумаев Баймақмад Раҳमतовичнинг 2009 йил 8 июнь куни берилган SA 000078-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш мuddати тугатилди.